

САРАТОН КАСАЛЛИКЛАРИДА РУҲИЯТНИ ЎРГАНИШ  
МАСАЛАЛАРИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ

Кадирова Шахноза

2- Фаргона тиббиёт коллежи  
укитувчиси

**Аннотация.** Мазкур мақолада онкологик беморлар психологиясини ўрганиш масалаларининг ривожланиши келтирилади.

**Annotation.** This article presents the development of issues of studying the psychology of oncological patients.

**Калит сўзлар:** психология, онкология, психоонкология, онкобемор, психологик ёрдам

**Key words:** psychology, oncology, psychonkology, oncobemor, psychologist yerdam.

Бугунги кунда замонавий фан техниканинг ривожланиши дунёда фанлараро интеграциялашув жараёнини вужудга келтирмоқда. Илм-фан ривожланиши, фанлараро интеграциялашув натижасида ўтган асрнинг 70 йилларидан кейин онкология ва психология фанлари кесишмасидан вужудга келган янги психоонкология соҳаси айнан онкологик беморлар билан психологик тадбирларни олиб боришга йўналтирилади. Психоонкология- бу беморлар ва уларнинг оила аъзоларига тиббий ва психологик ёрдам кўрсатишнинг ташкиллаштирилишини кенг ҳажмда қамраб олган, беморлар билан мажмуавий тадқиқотларни ўтказишдан бошлаб то ёмон сифатли ўсма патологиясида хулқ омилларнинг превентив (олдини олиш) ролини ўрганишга йўналган ходимга таълим бериш, шунингдек, беморда бутун онкологик касаллик кечиши давомида психоижтимоий муаммоларни ҳал қилишга ва психик бузилишларни даволашга қаратилган онкология ва психология фанларининг фанлараро соҳасидир .

Онкологик касалликлар фонида ривожланадиган психологик муаммоларнинг муҳим аҳамиятга эга эканлиги бўйича илмий тадқиқотлар асрнинг охириги чорагида бошланган. Айнан шу даврга келиб, беморлар билан паттерналистик муносабатлар камая бошлаган, шифокорлар беморларга касалликни ташхиси ва башорати ҳақида ишончли маълумотни етказиши натижасида вужудга келиши мумкин бўлган психологик реакцияларни очиқ ўрганиш ва тадқиқ қилиш имконияти пайдо бўлган.

Психоонкология ривожланиши тарихини қуйидаги омиллар контекстида кўриб чиқиш мумкин: биринчидан, онкологик касалликлар ва психик бузилишлар каби беморларда ҳам кўп йиллик стигматизация мавжудлиги; иккинчидан, жисмоний касал беморларга психологик ёрдам ташкил қилишнинг

қийинлиги; учинчидан, ҳавfli патологиянинг дастлабки психологик сабабларини қидиришга олиб келган омиллар онкологик касалликнинг психосоматик табиатига худди шундай қизиқишни вужудга келтириши; тўртинчидан, психоонкологияни ташкил қилишга ўзининг ҳиссасини кўшадиган йўналишлар ва ёндашувлар (тиббийёт, психология, психиатрия, ижтимоий иш, диний маслаҳат) интеграциясини ташкил қила оладиган назарий моделнинг йўқлиги; бешинчидан, 1975 йиллардан бошлаб ўтказила бошланган илмий тадқиқотларнинг муваффақиятлари.

Мазкур соҳанинг ривожланиши XX аср охири чорагида бошланган бўлса ҳам, онкологик касалликлар ва психик бузилишларга одингидек муносабат мавжудлиги ҳали ҳам касалликка замонавий қарашга таъсир кўрсатиб турибди. Бугунги кунда ҳам беморларга оптимал ижтимоий-психологик ёрдам кўрсатиш ва илмий тадқиқотларни олиб бориш учун тўсиқлар мавжуд. Шу ўринда психоонкология соҳасининг ривожланиш тарихи бўйича баъзи маълумотларни келтириб ўтиш мақсадга мувофиқ.

XIX асрда онкологик касаллик ташхиси қўйилиши ўлим ҳукми сифатида қаралган ҳамда ўша пайтда ҳавfli ўсма сабаблари ҳам, даволаш усуллари ҳам ноаниқ бўлган. Беморга касаллиги ташхиси ҳақида гапириш шафқатсизлик ва ғайриинсоний ҳисобланган, чунки бемор соғайишга нисбатан бутун умидини узиши мумкин бўлиши, агар касалликни характери, сабаблари, башорати ҳақида билмаса, оғриқли ҳолат билан кураша олади, деб ҳисобланган. Касаллик сабабли кўрқув шунчалик кучли бўлганки, бемор оиласи касаллик ташхисини оила стигмаси ҳавфи учун бошқалардан яширган. Уят ва айбдорлик ҳисси устунлик қилиб, касаллик зарарли бўлиши мумкинлиги билан боғлиқ кўрқувлар аралашиб кетган. XX асрнинг бошларида сифатли анестезия пайдо бўлиши ва жарроҳлик аралашуви кўникмалари яхшилангандан кейин, касалликнинг эрта босқичларида аниқланган ҳолларда саратонни даволаш мумкин бўла бошлаган ва метастаз босқичигача йўқотиш мумкин бўлиб қолган. Шу даврдан бошлаб, касалликнинг келиб чиқиш эҳтимолий сабаблари, белгилари, уни даволаш имкониятлари, ҳавfli патология симптомларига ўз вақтида ташхис қўйиш кабилар шаклланиб келди.

XX асрнинг биринчи ярмида онкологик беморларни даволаш воситаси сифатида нур терапияси қўлланила бошланган ва бу усул паллиатив даволашнинг асосий кўриниши сифатида таклиф қилинган ҳамда муваффақиятсиз жарроҳлик амалиётидан кейин қўлланилганлиги учун ҳам инсонлар жарроҳлик амалиётидан кўрққанлари каби бундан хавотирланганлар. Ижтимоий хавотирланиш ва ҳавфсираш патологияни даволашнинг янги усуллари қидиришга қаратилган тадқиқотларни молиялаштиришга олиб келган. Шунга кўра, XX асрнинг бошларида АҚШда онкологик касалхона базасида биринчи тадқиқот маркази, 1937 йилда эса саратон Миллий институти ташкил қилинган. 1948 йилда Фарбер болалар



Ўткир лейкозида аминоптерин терапия қўлланилиши ҳамда кейинчалик Ходжикин ўсмасини даволашда муваффақиятга олиб келган биринчи вақтинча ремиссия ҳақида хабар беради [4]. Бу эса ўсмага қарши янги препаратларни фаол қидиришни бошлаб берган, химиятерапия эса саратон касалликларини нур билан даволаш ва жарроҳлик амалиётига қараганда самаралироқ бўлган учинчи усул сифатида қўлланила бошланган.

Демак, бугунги кунда онкологик беморлар билан ишлашда уларнинг ҳаёт сифати мезони кўрсаткичи асосий қилиб олинган бўлиб, бунда тиббий, фармокологик, шунингдек психологик таъсирлар ҳам муҳим рол ўйнайди.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Тюльпин Ю. Г, Медицинская психология . - М.: Медицина, 2004. - 318 с.
2. Greer S. Psycho-oncology: its aims, achievements and future tasks. // Psychooncology. – 1994. – Vol. 3. – P. 87-103.
3. Holland J.C., editors. Psycho-oncology. New-York: Oxford University Press; 1998. - 547 p.
4. Shimkin M. Contrary to nature. Washington DC: US Department of Health and Human Services, Public Health Service. 1979. NIH Publication No.: - P. 726-729.